

## **ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Боқиева Марғуба Тошматовна**

Тошкент шаҳар юридик техникуми амалиёт ва касбий ривожлантириш бўлими  
услугачиси

Телефон: +998930033077

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Япония, Германия, Франция, АҚШ каби илғор хорижий таълим тизими тузилмаси, тажрибаси ва замонавий таълим дастурлари қисқача таҳлил қилинган. Шунингдек таълим тизимидаги ютуқлари, таълим стандартлари мониторинг қилинган. Ўзбекистоннинг аynи дамдаги ютуқлари эътироф этилган.*

***Калит сўзлар:** мамлакат, таълим, тажриба. хорижий тажриба, таълим инспекцияси, тузилма, халқаро баҳолаш.*

### **USE OF INTERNATIONAL EXPERIENCE IN INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATION QUALITY**

#### **ABSTRACT**

*The article briefly analyses the structure, experience and modern educational Programs of the advanced foreign education system such as Japan, Germany, France, USA. Also achievements in the education system, educational standards are monitored. The achievements of Uzbekistan at the same time are recognized.*

***Keywords:** country, education, experience, foreign experience, education structure, international evaluation.*

#### **КИРИШ**

Ватанимиз таълими кенг қамровли ислохотларни ҳамда қайта қуриш ишларини амалга оширишдек мураккаб жараённи бошидан кечирди ва кечирмоқда. Улардан кўзда тутилган мақсад мактаб фаолиятини демократлаштириш унинг, инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш, шу асосида ўқув тарбия ишлари мазмунини, унинг шакл ва услубини комплекс янгилаш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир. Янгиланган таълим тўла маънода янгича тафаккур, соғлом фикр демакдир. Ҳозирги даврда таълимнинг

кадр-қиммати, обро ва нуфузига тенг даражада унниг ижрочиларида ташаббускорлик, фидойилик ва ишбилармонлик ҳам бўлмоғи зарур.

Таълимдаги муваффақият, аксарият дадил ҳаракат қилувчилар тарафида бўлади. Дадил ҳаракат, шижоат туфайлифдир. Шижоатни эса инсонга, ўзбек миллий педагогикасининг мумтоз намоёндаси Абдулла Авлоний такидлаганларидек мактаб илм- маърифат бахш эта олади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Қадимдан бизда билим олиш қадрланган. Билимдон кишилар эса эл- юрт ардоғида бўлганлар. Шунинг учун ҳам билим олиш ва олинган билимни мамлакатимиз хизмати йўлида хизмат қилдириш олий инсонийлик бурчимиздир. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни муҳим шартларидан бири чет эл мактаби ва педагогикаси тажрибалари ўрганишдир.

Халқаро тажрибаларини синчковлик ва кунт билан ўрганиш орқали таълим тарбияда қотиб қолган, ўз долзарблигини йўқотб бораётган иш шакллари, услубларидан халос бўлиш билан бирга, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга эга бўламиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатда кадрлар муаммоси мавжудлигини барча соҳаларга ислохотлар суръатига мос замонавий мутахассислар кераклигини айтган эди.

Шу мақсадда бутун таълим тизими такомиллаштирилмоқда. Мактабгача таълим ривожлантирилаётганини мактаб сабоқларига пухта замин бўлмоқда. Умумий ўрта таълим сифати илғор халқаро тажриба ва замон талаблари асосида юксалтирилмоқда.

Президент мактаблари, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Темурбеклар мактаблари каби замонавий ва инноватсион таълим масканлари ташкил этилди. Уларда халқаро тажрибалар йўлга қўйилганлиги келажакда етук кадрлар етишиб чиқишидан далолат беради. 2019-йил 26- ноябрда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “ “Замонавий мактаб” ларни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ 2021- йилгача мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025-йилгача 20 фоизи 2030- йилга қадар эса 50 фоизини “замонавий мактаб” ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланди.

Президентимиз шу йил январ ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни

халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлигини такидлади. Мактабларда моддий-техник таъминотини яхшилаш, ўқув тарбия жараёнида халқаро замонавий педагогик технологияларини қўллаш бўйича вазифаларини белгилаб берди.

Юртимизда математика, кимё, физика, ва биология дарсларининг 10 фоизигина амалий машғулотга ажратилган. Ривожлантирилган давлатларда бу кўрсаткич 30-50 фоизни ташкил этади.

Шу боис халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникат-сияларини ривожлантириш вазирлигига ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, аниқ фанларда амалий машғуълотлар кўламини ошириш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда ҳар қайси халқ давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси, авваламбор унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори бу йўлдаги сай ҳаракатлари билан ўлчанади. Бугунги кунда таълим мазмунига бўлган эътибор ривожланган мамлакатлардаги шарт –шароитларга етиб бормоқда...Бунинг исботи сифатида хорижий мамлакатлар таълим тизимини таҳлил қилиб ўтаемиз.

#### Япония таълим тизими

Япония таълимида иқтидорли ўқувчи тушунчаси йўқ. чунки ҳар бир ўқувчи алоҳида иқтидор соҳибидир.

Илғор мамлакатлар ичида Япония таълими ўзига хос йўналиши е такчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Япония таълим тизимининг таркиби қуйидагича: мактабгача таълим , бошланғич мактаб , кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи олий ўқув юртлари.

Бошланғич мактабда ўқитувчилар болаларни танқидга, яъни ўз хулқининг ёмон жиҳатларини, мактабдаги камчиликларни танқид қилишга ўргатишади. Бундан кўриниб турибдики, ўқитувчи фақат таълим бериш билан чекланиб қолмай, боланинг ҳартомонлама ривожланишига тасир этади.

Япония ривожланган давлатлар ичида ўқитувчининг маоши давлат раҳбарлари орасида ҳам юқори бўлган ягона давлат.

Мажбурий таълим муҳити. Таълимнинг бу поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. Муҳтож оилаларнинг болаларига моддий ёрдам кўрсатилади.

Юқори ўрта мактаб 10-11-12-синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртки, кечки бўлимлари мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактабларда бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хоҳишларига кўра инглиз тили, техник таълим ва махсус синовларга жалб этилади.

Университетларига юқори ва ўрта мактабнинг ёки 12 йиллик оддий мактабни битирган ўқувчилари қабул қилинади. Университетларга қабул қилиниш 2 босқичга бўлинади: 1-босқич турар жойда ўтказилади, бунинг учун япон тили, математика, физика, кимё, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтказилади.

Японияда олий таълим мажбурий ҳисобланади ва у касб таълими билан узвийбоғлиқдир.

Японияда болалар тарбиясида оналарнинг роли ва масъулияти айниқса каттадир. Улар фарзандларининг ақли, доно ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун оила сулоласи ва давлат олдида ўзларини маъсул деб ҳисоблайди. Японияда оилавий тарбия хусусида кўплаб методик қўлланмалар ва тавсияномалар нашр этилади, радио ва телевидения орқали кўплаб педагогик маслаҳатлар бериб борилади.

Япония оилаларидаги уй парталари диққатга сазовордир. У мукамал, ён томонидан муҳофазаланган қурилма бўлиб, парта устида китоб жавони, ёриткич, соат, қалам, қоғоз, микрокалькулятор ва бошқа зарурий ашёлар, шунингдек керак бўлиб қолган тақдирда ота-оналарини чақирадиган сигнал тугмачаларигача ўрнатилган.

Япония ўрта мактабларининг савияси АҚШ ўрта мактаблари савиясидан бир мунча юқори туради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики Японияда таълим тизими ҳам шаклан, ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса, ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп. Эътиборли яна бир томони – Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай жаҳондаги АҚШ, Франция,

Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг илғор педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.

Бундай тажрибалар Республикамиз таълим тизимини янада юқори поғонага кўтаришда қўл келиши шубҳасиз.

Америка Қўшма Штатлари таълим тизими: Америкада ўрта таълим 12 йил бўлиб бошланғич ўрта ва қуйи мактабларга бўлинади. Аксарият қисми давлат мактабларидан иборат ва уларда ўқувчиларнинг 88 фоизи ўқийди. Таълим муассасаларини давлат ва шаҳар буюджетлари

молиялаштиради, Қўшма штатларда ялпи ички маҳсулотнинг 7.5 фоизи ҳар йили таълимга сарфланади. 12фоиз ўқувчилар хусусий мактабларга боради, уларнинг моддий ресурслари ота-оналар, турли маблағлар ва хайрия маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Мамлакатларда таълим масканлари рақамларга эга эмас, аммо улар ҳудудлар бўйича ёки машҳур кишилар номи билан аталади.

Одатда ҳар бир синф хонаси телевизор ва компьютерга эга. Компютер синфлари юқори тезликдаги интернетга уланган. Америкада нусха кўчириш ускуналари жуда кўп жойлаштирилган. Чунки ўқитувчи томонидан ўқувчларга деярли барча вазифалар босма шаклда берилади. Бошланғич мактабда ҳар йил синф ўқитувчиси ўзгаради. Бошланғич синфларда математик билимларнинг ҳажми Россия ва Англия мактаблари даражасига нисбатан бироз енгилроқ. Кўпайтириш жадвали 3-синфдан бошланади.

Америка мактабларидаги ўзига хос усулларида бири ҳар бир ўқувчининг, „Ҳисобот картаси“ юритилишидир. Унда ўқувчи 10 хил хатти - ҳаракати бўйича баҳоланади. Ота-оналар ушбу карта билан танишиб борар экан, фарзандларига оқсаётган томонларини аниқлаб, уни тузатишга ҳаракат қилишади.

Америка педагоглари ҳафтасига бир марта 1-3-синф ўқувчилари учун “Севимли ўйинчоқ” методини қўллашади. Бу методда болалар ўйинчоғини тарифлайди. Мазкур методни қўллашдан мақсад болани уятчанликдан халос бўлишга, синфдошлари орасида эркин гапиришга ўргатишдир. Америкада таълимни ҳаддан зиёд демократлашуви талабалар билимининг пухталигини текшириш ва назорат қилишда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли бой моддий база ва тажрибага эга бўлган давлатда бутунлай саводсиз бўлган болалар ҳам топилади.

АҚШ да таълим тизимининг мақбул томонларининг ижобий қўлланиши муҳимаҳамият касб этади.

Германия таълим тизими: Германия жаҳон маърифат ва маданият ўчоқларидан бири. Ушбу давлатда ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга.

Мактаб таълим тизими бошланғич ва ўрта таълим муассаларидан иборат. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул.

Германияда мактаб таълими қуйидаги мактаб типларига бўлинади: бошланғич мактаб; йўналиш мактаблари; асосий мактаб; реал мактаб; гимназия; умумий мактаб ; махсус мактаб.

Бошланғич мактаб таълим тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш мактабга ўтишади. Асосий ёки тўлиқ халқ мактаби бошланғич мактабни битириб, реал мактаб ёки гимназияга бормаган барча ўқувчилар учун мажбурийдир. Асосий мактаб ўқитувчилари ўзларини ўқитувчи эмас, ижтимоий педагог, деб ҳис қилади. Лекин асосий мактабдаги ўқувчилар ёмон ўзлаштиришига қарамасдан касбий таълим олишига мажбур бўлишади. Реал мактаблар иккинчи босқичга қарашли бўлиб, одатда 5-10-синфларни ўз ичига олади. Реал мактаб юқори даражали кенгайтирилган умумий таълим беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият ҳисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига юқори талаб қўядиган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди.

Германия таълими ўзига хос йўналишга жуда мураккаб тизимга эга. Германия давлатида таракқий этган давлатлар орасидан ўрин олишда ўзини оқлабкелаётган таълим тизими мавжуд.

Франция таълим тизими: Францияда таълим сифати таълим, спорт ва тадқиқотлар бўйича бош инспекция томонидан назорат қилинади. Ушбу бош инспекция 4 та вазирлик учун фаолият кўрсатади. Бош инспекция 4 та вазифани бажаради:

1. Қўллаб-қувватлаш - таълим, фан, спорт, маданият бошқарув идораларини олийтаълим ректоратларини.
2. Экспертиза қилиш - вазирликлар, идоралар, шартномалар, раҳбарлар фаолияти, хизматлар, тузилмалар ва бошқалар.
3. Баҳолаш - ташкилотлар, муассасалар, тузилмалар, ижтимоий сиёсий аҳвол, кадрлар.
4. Назорат қилиш - ташкилотлар, муассасалар, хизматлар ва кадрлар.

Бош инспекцияда тўпланадиган тажрибаларнинг хилма –хиллиги, болалар боғчасидан докторантурага қадар давлат сиёсатини мувофиқлаштириш имконини беради. Бу эса таълим, фан ва ёшларни ривожлантиришга, ўқувчиларни спорт, жамият ҳаёти ва жамоат ўқишига жалб этишга таъсир қилади.

Франция таълим тизими кўра бола 6-7 ёшида тайёрлов синфга боради, кейин шу мактабда 4 йил бошланғич синфда ўқийди. Бу бошланғич синфлар



одатда алоҳида бошланғич мактаб сифатида фаолият кўрсатади ҳамда уларнинг инспексияси ҳам, алоҳида бўлади.

Кейинги босқич ўрта таълим коллеж деб аталади. У ерда бола 4 йил ўқийди ва якунида тўлиқсиз мактаб битирувчиси деб ҳужжат беради.

Кейинги 3 йил давомида турли йўналишдаги лицейларда ўқийди ҳамда якунида бакалавр имтиҳонини топшириб унинг натижасига қараб ОТМ ларга қабул қилинади.

Ўқитувчиларни ишдан олишни мактаб директори амалга оширмайди. Яхши ишламайдиган ўқитувчиларни директор тавсиясига мувофиқ таълим инспексияси томонидан тафтиш қилинади. Унинг интизоми, ўқитувчилик фаолияти, болалар, ота-оналар ўртасидаги обрўси диққат билан ўрганилади ва тегишли чора кўрилади.

Мактаб ўқитувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбининг устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ эгаси бўлмоғи лозим. Франция таълим тизимларида мактабдан ва синфдан ташқари муассасалари кўзда тутилмаган. Бироқ мактабларда, лицейларда турли тўғарақлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш таълим инспексияси ташкил қилинганига эндигина 2 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида инспексияга юклатилган вазибалар бажариш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни юртимиз таълим сифатини баҳолаш ишларини жорий этиш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Биз айни дамда чет эл педагогикасидаги илғор жиҳатларини ўзаштириш, янги-янги ўқув предметларини таълим таркибига киритиш билан жаҳондаги энг илғор педагогикаларини бирига айлантириш.

Айни дамда АҚШ педагогикасидаги:

1. Болани ўз кучи, имкониятига ишонч руҳиятида тарбиялаш.
2. Ўқувчининг энг кичик шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кураш
3. Болани камситмаслик, инсонийлик қадриятларини ва ғурурини ерга урмаслик
4. Ўқувчини илк давридан оқ касбга йўналтириш
5. Ватанига фахр ва ифтихор руҳи билан тарбиялаш.

Япония таълимидаги :

1. Болани мактабга пухта тайёрлаш
2. Кичкинтойлар таълим ва тарбиясига ота-оналар масулиятини

кучайтириш;

3. Ўқувчиларни нафосат жисмоний камолотига берилаётган этибор;

4. Ўқитувчи кадрларига юксак талабчанлик;

5. Ёш талантилар билан олиб борилаётган изчил ишлар.

Германия таълимидаги :

1. Табақаллаштириб ўқитишга кучли эътибор;

2. Ўқувчиларни меҳнат таълимини мустахкамлаш

3. Касбга йўналтириш.

Франция таълимидаги:

1. Мактабгача тарбияданок ўқувни предметлаштириб ташкил этиш ;

2. Бошланғич таълимни 3 босқичда пухта амалга ошириш

3. Ўқувни дидактик воситалар билан таъминлашга берилаётган катта эътибор.

### **ХУЛОСА**

Ўқув муассасаларининг турли фирмалар, концернлар, корхоналар, мустахкам алоқалари ва бошқа ибратли жиҳатлари бизнинг таълимга ҳам кўчиб бормоқда. Албатта таълимга ҳар қандай янгилик, ўзгариш, жиддий таҳлиллар, тажрибалар асосида кириб келади. Ўзбекистон 2021-йилда ПИСА ва ПИРЛС халқаро баҳолаш тизимида иштирок этиши режалаштирилган. Бу синовга барча тайёргарлик кўриши керак. Яъни бу йилги 3-синф ўқувчиларимиз 2021-йилда 4-синф бўлади. Бу ўқувчиларни мазкур жараёнга тайёрлаш учун халқаро баҳолаш тизимида иштирок этиб келаётган ривожланган давлатларнинг халқаро тажрибалари билан ўртоқлашишга тўғри келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Йўлдошев Ж.Ф. Хорижда таълим (методик қўлланма) - Тошкент: 1995- йил

2. Икромов А.Б., Махмудов С.Й., Анорқулова Г.М. Германия: Таълим, илм-фан. методик қўлланма. Касб маҳорати журнали -2004-йил. 2 сон.

3. Анорқулкова Г., Каримов А. Хорижий мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хос йўналиши услуб ва таҳлили. Халқ таълими илмий методик журнали. 2017-йил. 3-сон.

4. Носиров А. Францияда таълим сифати қандай назорат қилинади? – “Бошланғич таълим” журнали. 2019- йил. 12- сон.

5. Илашова Р. Америка мактабларида.- –“Бошланғич таълим” журнали. 2019-йил.3-сон.;